

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1471-ҳадис

1471 - وَعَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ مَا لَقِيتُ مِنْ عَقْرِبٍ لَدَغْتَنِي الْبَارِحَةَ!! قَالَ: «أَمَّا لَوْ قُلْتَ حِينَ أُمْسَيْتَ: أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّاتِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ لَمْ تَضُرَّكَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2709].

1471. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули! Бу кеча мени чаққан чаёндан нелар кўрмадим», деди. У зот: «Агар кеч кирганда «Аъузу бикалимаатиллаҳит-тааммати мин шарри маа холақ» деганингда, сенга зарар етказмас эди», дедилар».

* Маъноси: «Аллоҳнинг мукаммал калималари билан У Зот яратган барча нарсаларнинг шарридан паноҳ тилайман»

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Зарарли нарсалардан сақланиладиган дуолар мавжуд. У зарарли ҳайвонларни биз билган ёки билмаган турли вазифалар билан яратган Аллоҳ, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёрдамида улардан қандай қилиб сақланиш йўларини бизларга ўргатган. Бу дуо ёлғиз чаёндан эмас, зарарли бўлган ҳар турли мавжудодларга қарши ўқилиши тавсия қилинган. Юқоридаги ҳадисда келганидек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: ««Ким бир манзилга тушиб «Аъзу бикалимаатиллаҳит тааммати мин шарри маа холақ», деб айтса, то бошқа манзилга кўчгунича бирор нарса унга зарар етказа олмайди», деб айтганлар.

Баъзи ривоятларда бу дуонинг эрталаб ва кечқурун ўқилиши, яна бошқа ривоятда эса уч маротаба ўқилиши тавсия қилинган.

Аллоҳнинг мукаммал калималари билан, деганда Аллоҳнинг тақдири ёки Қуръон бўлиши мумкин. Фақат бу ерда ҳақиқатда нима қасд этилгани муҳим эмас. Муҳими; «Аъзу бикалимаатиллаҳит тааммати мин шарри маа холақ»

деб айтишдир. «Аъзу бикалиматиллаҳит таммати» жумласи билан бошланган ва турли ерларда айтилган бошқа дуолар ҳам мавжуд.

Манба: hadis.islom.uz

